# МАМЛАКАТИМИЗ ПАХТАЧИЛИГИДА ЯНГИ ДАВР

(Давоми. Боши 1-бетда)

остига экилса, 2-2,8 куб-километр оби ҳаёт тежалиши мумкин. Фақат бизнинг мамлакатимиз учун эмас, балки Марказий Осиё минтақаси учун сув масаласи ғоят долзарб бўлиб турган бир пайтда оби ҳаётнинг иқтисод қилинишига эришиш беқиёс воқеадир. Бундан ташқари сув сарфининг камайиши ернинг пастки қатламига ўтиб кетадиган оби ҳаёт миқдорини озайтириш имконини беради. Демак, сизот сувларининг кўтарилиши пасаяди, ерларнинг такрорий шўрланиш жараёни секинлашади. Атроф-муҳитнинг зарарланиши имкон қадар камайтирилиб, экологик вазиятнинг яхшиланиб боришига шароит туғилади.

Янгиликнинг тўртинчи афзаллиги шу билан изоҳланадики, пахтачилик таннархида сезиларли миқдорни ташкил этувчи, асосан қўл меҳнатини талаб қилувчи юмушлар ҳажми кескин қисқаради. Чунки эгатларга плёнка ёйилганлиги сабабли унинг устини бегона ўт қопламайди. Кўпинча хотин-қизлар зиммасига тушадиган кетмон чопиғига ҳожат қолмайди.

Бешинчи ютуқ шундан иборатки, туксизлантирилган чигит плёнка остига аниқ уялаб махсус сеялкаларга экилганлиги туфайли уруғлик кўп миқдорда тежалади ва уни бошқа эҳтиёжлар учун сарфлашга шароит туғилади. Усимлик ёғига, чорва озуқасига талаб-эҳтиёж ғоят катта бўлган ҳозирги шароитда пахта чигитининг иқтисод қилиниши алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур усулнинг олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва бошқа афзалликлари ҳақида, унинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиш мумкин. Буларнинг барчасини жамлаган ҳолда янги технология мамлакатимизда деҳқончилик маданиятининг барча жабҳаларини бугунги кун талаблари ва жаҳон андозалари даражасига кўтаришда муҳим босқич бўлишини, у орқали кўпгина масалалар яхлит ҳолда ўз ечимини топишини таъкидлашимиз керак. Чунки янги усулга доир барча ҳужжатларда, унинг технологиясида деҳқончилик маданиятини комплекс ҳолда ривожлантириш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган. Шу ўринда агар таъбир жоиз бўлса, янги усулни ғоят такомиллашган, замонавий механизмга қиёслаш мумкин. Ана шу механизм тўхтовсиз ишлаб, юқори самара бериши учун унинг ҳар бир қисми бенуқсон бўлиши, вақтида техник қаровдан ўтказилиши, созлаб турилиши зарур. Яъни янги усул кутилган натижани бериши учун технологияда кўзда тутилган юмушлар ва тадбирлар ўз вақтида, бекаму-кўст адо этилиши лозим. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида тажрибадан ўтиб, яхши натижа берган уруғликни плёнка остига экиш усулини қўллаш Ўзбекистон деҳқончилиги, хусусан пахтачилиги тараққиётида янги давр бошланганлигидан дарак бермоқда. Бугун Андижон вилоятида бошланадиган республика илмий-амалий конференцияси «Мамлакат пахтачилигида янги давр — чигитни плёнка остига экиб, ҳосилдорликни ошириш» мавзусига бағишланганлиги ҳам бежиз эмас. Катта йиғин арафасида янгиликка дахлдор мутахассислар, олимлар, миришкорлар билан учрашиб, бу усулни кенг қўллаш борасида эришилаётган натижалар, дуч келинаётган қийинчиликлар, уларни енгиш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар, келгусидаги режалар ҳақида гапириб беришларини сўрадик. Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазалари баён этилмоқда.

## ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**М. СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари:**

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ғўзани пленка остида ўстиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш йўлида 1997 йили кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун чигитни плёнка остига экиш бўйича 1997 йилга белгиланган топшириқ асосан бажарилди. Бу борада Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари пахтакорлари юқори даражада уюшқоқлик кўрсатдилар. Андижон вилоятида пленка остига чигит экилган ерлар умумий пахта майдонининг 64 фоизини ташкил этганлиги янги усул ташаббускорлари ҳар жиҳатдан намуна бўлаётганликларини кўрсатмоқда.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. У доимо изланишни, ишларни такомиллаштириб боришни тақозо этади. 1995—1996 йилларда асосан Хитойдан олиб келинган ва Андижон механика корхонасида ишлаб чиқарилган сеялкалардан фойдаланилган эди. Янгилик мамлакатимизга кенг тарқалгач, Самарқанд, Наманган, Урганч ва Қарши шаҳарларида ҳам сеялка ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Экин мавсумида турли вилоят ва туманлардан янги усулда қўлланиладиган сеялкани такомиллаштириш, унга ўзгартиришлар киритиш юзасидан кўплаб таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Улар жамланиб, умумлаштирилган ҳолда етук мутахассисга ҳавола этилди. Бу ишни энг мақбул кўринишда ниҳоясига етказиш мақсадида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Андуслубпахта» илмий-ишлаб чиқариш ва тижорат маркази томонидан такомиллашган, талабга жавоб берадиган сеялка яратиш бўйича кўрик-танлов эълон қилинди. Ана шундай агрегатни яратган ижодкор ва мутахассисларга 300 минг сўм миқдорида пул мукофоти берилади. Ҳозирги пайтда бу борада бир неча йўналишда изланиш олиб борилаяпти.



● **СУРАТДА: Нарпай туманидаги «Иттифоқ» хўжалигининг моҳир механизатори Эрназар Эшназаров. У чигит пленка остига экилган пахта майдонларига ишлов беришда ўзининг катта тажрибасини ишга солди. Бу хўжаликда жами 800 гектар пахта майдонининг 200 гектарига чигит пленка остига экилган бўлиб, ана шу пайкалларда ҳосилдорлик одатдаги усулдан 10—12 центнер юқори бўлиши кутиляпти.**

Бу усул Хитой, Испания, Греция ва жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кенг ёйилган ҳамда катта натижа бериб келаяпти. Мамлакатимизда энди татбиқ этилмоқда. Ҳар бир минтақанинг табиий-иқлим шароитига мос равишда қўллаш учун илмий-тадқиқат ишлари олиб борилиши, агротехниканинг барча жараёнлари пишиқ-пухта ишлаб чиқилиши зарур. Шу мақсадда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказининг бир қўшма буйруғи чиқарилиб, мамлакатимизнинг турли минтақаларида чигитни пленка остига экиш технологияси бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказилмоқда. Чигитни плёнка остига турли тупроқ шароитларида экиш ва унинг муддатлари, ўғитлаш, суғориш мароми, кимёвий препаратлардан фойдаланиш, дефолиация, пленкани йиғиштириб олиш ҳамда бошқа жараёнларнинг энг мақбулини аниқлаш бўйича ўнта йирик тажриба ўтказилмоқда. Улар йил якунида умумлаштирилади ва хулосалар чиқарилади. Шулар асосида янги усул агротехникаси янада такомиллаштирилади.

Маълумки, ҳеч қандай янгилик қийинчиликсиз кечмайди. Уларни енгиб ўтиш учун изланиш, белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва тўла-тўкис бажариш талаб этилади. Айрим жойларда бунга амал қилмай, «янги усул бизга тўғри келмас экан» деган асоссиз хулоса чиқаришгача боришди. Шу ўринда бир мисол келтириш жоиз. Баъзи хўжалик ва туманларда пленканинг икки чети ёки чигит қадалганда ҳосил бўлган тешикчалар тупроқ билан яхши беркитилмаганлиги сабабли оралиққа ҳаво кириб, у ерда ҳаётий жараёнлар давом этган. Шунинг оқибатида бегона ўтлар ўсиб, пленкани тешиб чиққан. Бундан иккита хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, янги усул агротехникасига тўла риоя этилмаганлиги учун пленка тагига ҳаво кириши оқибатида шундай ҳол юз берган. Иккинчидан, айни шу хўжалик ёки туманда деҳқончилик маданияти ҳали талаб даражасига етказилмагани яққол кўринган. Чунки, бегона ўтларга қарши курашнинг кўпгина усуллари, препаратлари мавжуд. Улардан тўғри ва тавсия этилган усулларда фойдаланилса, юқоридагидек ҳолатга тушилмайди. Шулар ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, янги усул деҳқончилик маданиятининг барча жабҳаларини бир йўла кўтаришга ҳам хизмат қилиши аён бўлади.



● **СУРАТДА: Улуғнор туманидаги М. Иминов номли ширкатлар уюшмасининг пудратчи пахтакори Оминахон Абдуллаева. У ҳар бир янгиликни татбиқ этишда ҳамкасбларига доимо ўрнак.**

Зотан, Президентимиз И. А. Каримов чигитни пленка остига экиш усулининг аҳамиятини бир неча бор таъкидлаб, уни янада такомиллаштириш зарурлигини уқтирганликлари тармоқ раҳбарлари, мутахассислари, барча пахтакорлар зиммасига катта масъулият юкламоқда. Вазирлар Маҳкамасининг худди шу масалага бағишланган қарорида белгилаб берилган вазифалар оғишмай адо этилишини талаб қилади.

## ТЕХНИКА МУКАММАЛ БЎЛСА...

**Л. ҒАФФОРОВ, Қашқадарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:**

— «Пахтачиликда Андижон усули» деб ном олган ва ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг барча минтақаларида кенг қўлланилаётган янги технология Қашқадарё вилояти пахтакорлари томонидан ҳам изчил жорий этилаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Ғўзани пленка остида ўстиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида бу борадаги вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган бўлиб, ушбу ҳужжатга кўра вилоятимизда 1997 йили 10 минг, 1998 йили 25 минг, 1999 йили 60 минг, 2000 йилда эса 100 минг гектар ерга чигит пленка остига экилиши кўзда тутилган. Ана шу вазифаларни тўла-тўкис бажариш мақсадида бошқармамизда 14 мутахассисдан иборат махсус гуруҳ тузилган ва унинг аъзолари янгиликни татбиқ этишда изчиллик кўрсатмоқдалар.

Андижонликлар тажрибасини атрофлича ўрганиш мақсадида вилоятимиздан 16 вакил ташаббус туғилган жойда ташкил этилган ўқув машғулотларида билим олишди ва улар кейинчалик барча туманларда 1625 нафар бригадир, мутахассис, механизатор, ижарачи, сувчи ва оилавий пудратчиларга мазкур усулнинг ўзига хос жиҳатларини ўргатдилар. Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё вилоят тармоғи мутахассислари ҳам янги технологияни татбиқ этишда фаол қатнашмоқдалар.

Бу йил баҳорда хўжаликларни чигитни пленка остига экишда қўлланиладиган сеялкалар билан таъминлаш мақсадида Андижон механика корхонасидан, Намангандаги «Куйгай» заводидан ва бошқа жойлардан жами 227 та шундай механизм олиб келинди. Бундан ташқари Қарши тажриба-таъмирлаш механика корхонасида 20 та бир қаторли сеялка тайёрланди. Вилоятимиздаги II туман хўжаликларида 577 та бригадада чигитни пленка остига экиш уюшқоқлик билан ташкил этилди. Тўғри, баҳордаги ёғин-сочинли кунлар бу тадбирни кўнгилдагидек ўтказишда айрим қийинчиликлар вужудга келди.

Янги усулни қўллаш жараёнида технологияни такомиллаштириш, хусусан, сеялкаларга бир қатор ўзгартиришлар киритиш юзасидан мутахассисларда, бригадирларда, пахтакорларда бир қатор фикр-мулоҳазалар туғилди. Шу жумладан, айрим сеялкалар, хусусан, Самарқанд вилоятидан келтирилган шундай механизмларнинг чигитни уяларга аниқ ташламаслиги маълум бўлди. Шунингдек, тупроқ бирмунча намроқ бўлса, чигит ташловчи мосламаларга тиқилиб қолиши кўзга ташланди. Механизаторлар сеялка бирмунча оғир бўлиб кетганлигини айтишди. Бундан ташқари шамол эсаётган пайтда чигитни тўхтовсиз экишга сеялка, хусусан, унинг барабанлари мослаштирилмаган. Ана шу таклиф-мулоҳазалар умумлаштирилиб, уларнинг асосийлари республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, унинг ҳузуридаги «Андуслубпахта» илмий-ишлаб чиқариш ҳамда тижорат марказига ҳавола этилди.



● **СУРАТДА: Олтиариқ туманидаги «Оқ бўйра» жамоа хўжалиги бригадири Абдулла Кенжаев. У етакчилигидаги жамоа баҳорда 100 гектар ерда чигитни пленка остига экиб, ниҳолларни меҳр билан парваришлаб, ҳосилнинг одатдагидан 25 кун илгари пишиб етилишига муваффақ бўлди. Миришкорлар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришни кўзлашяпти.**

Юқорида таъкидланган муаммолар ечимини топиш йўлида вилоятимизнинг ўзида ҳам изланишлар олиб борилмоқда, илмий-тадқиқотлар ўтказилмоқда. Пахтачилик илмий-тадқиқот институти Қашқадарё тармоғи мутахассислари томонидан Яккабоғ туманидаги У. Мирзаев номли, Ғузор туманидаги Тоҳир-Зуҳра ва Касби туманидаги Алишер Навоий номли жамоа-ширкат хўжаликларида янги усулни Қашқадарё вилояти табиий-иқлим шароитида қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, агротехникага баъзи бир ўзгартишлар киритиб борилмоқда. Шунингдек, Косон туманидаги Темурхўжа номли жамоа хўжалигининг У. Пармонов, Улуғбек номли жамоа хўжалигининг Х. Жабборов, Касби туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигининг Б. Жумаев, Навоий номли жамоа-ширкат хўжалигининг Б. Ражабов бошлиқ бригадаларида янгиликни татбиқ этиш борасидаги ишлар ўзининг яхши самарасини кўрсатаяпти. Ана шу миришкорлар янги технологиянинг афзалликларини бошқаларга намойиш этмоқдалар. Мазкур жамоалар далаларида ғўзанинг ривожи, ҳосилнинг пишиб-етилиши бутун мавсум давомида одатдаги усулдагидан 20—25 кун олдинда бориб, бир қатор пайкалларда ҳозирнинг ўзидаёқ етилган кўсаклар очила бошлади.

Вилоятимиз деҳқонлари андижонлик миришкорлардан ўрнак олиб, бу йил қишлоқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида кўзга кўринарли ютуқларга эришаяптилар. Хусусан, бу йил ғалла етиштириш борасида катта муваффақият қўлга киритилди. Янгиликни татбиқ этишда изчиллик кўрсатаётган пахтакорларимиз ҳам мамлакатимиз Мустақиллигининг олти йиллиги нишонланадиган йилда қувончли натижаларга эришишга азму қарор қилганлар.

## ДАРОМАД ОШИШИДАН БАРЧА БАҲРАМАНД

**М.ЭШОНҚУЛОВ.**
**Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги «Боёвут» хўжалиги бригада бошлиғи:**

— Уч йил муқаддам Андижонда юзага келган ва бугунги кунда мустақил мамлакатимизнинг барча минтақаларида кенг қўлланилаётган чигитни пленка остига экиш усули бригадамиз миришкорларига ҳам кўп жиҳатлари билан маъқул бўлди. Ана шу янгиликни қўллаш учун Андижон вилоятига бориб келган мутахассислардан унинг ўзига хос томонларини атрофлича ўргандик. Бригадамиз механизаторлари Эшқўзи Тожибоев, Ҳотам Холбоевлар сеялкадан қандай фойдаланиш, унинг мослама ва механизмларини созлаш ва бошқа томонларини вилоят ҳамма туман миқёсида ташкил этилган семинарларда синчиклаб ўрганишди. Шундай тайёргарлик кўрилган ҳолда ишга киришилганлиги туфайли эрта баҳорда 26 гектар ерга чигитни пленка остига энг маъқул муддатларда экиб олишга муваффақ бўлдик.

Янги технология бўйича талаб этиладиган агротехник тадбирларни тўла—тўкис адо этиб келаётганлигимиз туфайли барча пайкаллардаги ниҳолларнинг ўсиб—ривожланиши, ҳосил пишиб етилиши одатдаги усулдагига нисбатан қарийб бир ой илгари бораяпти. Ҳар бир гектар майдондаги ниҳол сонини, кўсаклар салмоғини ва бошқа кўрсаткичларни чамалаб чиқиб, далаларимизда қарийб 50 центнерлик ҳосил тўпланганлигини чамалаб кўрдик. Бу одатдаги усулдан деярли 15 центнер кўп демакдир. Ҳосилдорликнинг юқори бўлиши бригадамиз пахтакорлари даромади янада кўпайишини таъминлайди. Яъни чигит пленка остига экилган 26 гектар ердан одатдаги усулга нисбатан 34 тонна кўп оқ олтин етиштирилади. Бу жамоамиз кўрадиган даромадни сезиларли даражада кўпайтириш имконини беради. Янгилик даромадни кўпайтириши, сувни тежаши ва бошқа кўпгина афзалликлари туфайли деҳқонлар меҳрини қозонмоқда.

* * *

***Суҳбатдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, чигитни пленка остига экиш усули мамлакатимиз пахтачилиги тараққиётида янги даврни бошлаб бермоқда. Юртбошимизнинг ўтган йили Андижон вилоятига ва бу йил Сурхондарёга қилган сафарларида ана шу усулнинг устунлик жиҳатларини алоҳида таъкидлаб, уни янада такомиллаштириш ҳамда изчил жорий этиш юзасидан берган йўл-йўриқлари тармоқ ходимлари учун бугунги кунда дастуриламал вазифасини ўтаяпти.***

***Андижонда ўтадиган республика илмий—амалий конференциясида ҳам ана шу долзарб масаланинг кўпгина жиҳатлари атрофлича муҳокама қилиниб, тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар белгилаб олинади. Шу йўналишда эзгу ниятлар билан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликни юқори поғонага кўтариш асосида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.***

**С.САЙДАЛИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# МИЖОЗЛАР ТАЛАБИ ИНОБАТДА

***Республика ихтисослаштирилган давлат-акционерлик ипотека «Замин» банкининг Навоий вилояти бўлимида кейинги вақтда мижозларга хизмат кўрсатиш, уларнинг таклифларига биноан ишни ташкил қилиш, кредит бериш, хизмат кўрсатиш маданияти янада яхшиланиб бораётганлиги боис молиявий муассасанинг обрўйи ошди. Шу билан бирга мижозлар билан яқин алоқа ўрнатилиб, пул ўтказиш, турли хил хизматлар учун ҳужжатлар тўлдириш шу ернинг ўзида йўлга қўйилди. Вилоят халқ хўжалиги иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида дебитор-кредитор қарзларини бартараф этиш, аҳолини нақд пул билан ўз вақтида таъминлаш учун касса режасини бажариш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, банк олдига қўйилган вазифалар ортиғи билан уддаланмоқда.***

***Ҳуллас, «Замин» банкининг вилоят бўлими қисқа муддат ичида ишнинг намунали ташкил қилинганлиги билан банклар ўртасида ўз ўрнини топди. Шу боис мижозлар сони ҳам сезиларли даражада ўсди. Қуйида бу борада амалга оширилаётган ишлар, Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қандай ижро этилаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.***

Банкнинг вилоят бўлими иш бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин шундай бўлса-да, муассаса қисқа муддат ичида халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатиб, мижозлар сонини кўпайтиришга эришди. Дастлаб учта мижоз билан иш бошлаган банк ҳозир 130 та жамоага хизмат кўрсатмоқда. Бунга асосан хизмат кўрсатишнинг намунали йўлга қўйилганлиги, бу борада қулайликлар яратилганлиги туфайли муваффақ бўлди. Масалан, мижозлар зарур бўлган ҳужжатларни ўз ишхонасида ҳам, банкда ҳам тўла расмийлаштириши мумкин. Шунингдек, улар куннинг исталган пайтида банкда қабул қилиниб, хоҳлаган хизмат турларидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Бундай қулайлик табиийки, кўпчилик корхона ва ташкилотларни жалб этди.

Айни пайтда кичик муассасалар билан бир қаторда иқтисодиёти мустаҳкам йирик корхона ва ташкилотларга ҳам хизмат кўрсатмоқда. Республика давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг вилоят бошқармаси, вилоят ер кадастри бошқармаси, «Сармиш» арок-вино ишлаб чиқарадиган очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шулар жумласидандир. Бундай иқтисодиёти мустаҳкам бўлган йирик жамоаларга хизмат кўрсатиш катта масъулиятни ҳам талаб қилади, албатта.

Банкда кредит беришда ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Асосан қисқа муддатли кредит беришга катта эътибор берилаяпти. Уларнинг энг узоқ муддати бир йилни ташкил қилмоқда. Муассаса ташкил қилингандан бери ҳозиргача 17 миллион сўм миқдорида қарз берилди. Шу билан бирга улардан қандай фойдаланаётганлиги, вақтида қайтарилиши ҳам назоратга олинган. Шу боис берилган кредитлар асосан ўз вақтида қайтарилаяпти.

Ипотека кредитини сўраб тушган аризалар ҳам батафсил ўрганилаяпти. Улардан бирининг аризасини қондириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Яқинда Навоий туманидаги «Навбаҳор» деҳқон-фермер хўжалигига бир миллион сўм миқдорида ана шундай узоқ муддатли қарз бериш мўлжалланмоқда.

Вилоят халқ хўжалиги иқтисодиётини барқарорлаштириш мақсадида дебитор-кредитор қарзларни бартараф этиш борасидаги кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Бу борада иш режа асосида олиб борилаяпти. Банк ходимлари

**Иқтисодиёт, банк, ислоҳот**

жойларга бориб, мижозларнинг иқтисодий аҳволини атрофлича ўрганиб, улар билан биргаликда қарзларни бартараф этиш йўлларини излашмоқда. Ягона молиявий кунлар ҳам ўтказилиб турилибди. Кенг миқёсда олиб борилаётган бундай ишлар ўз самарасини беряпти. Шу боис жорий йилнинг олти ойида дебитор қарзлар беш миллион сўм, кредитор қарзлар саккиз миллион сўмга қисқарди.

— Банк асосан мижозларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида ишни ташкил қилиши, уларнинг манфаатини биринчи ўринга қўйиши керак, — дейди банк бошқарувчиси Саъдулла Шодиев. — Ана шунда мижозларнинг сони кўпаяди. Шу билан бирга банк уларнинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш бўйича ҳам ҳаракат қилса ёмон бўлмайди. Чунки мижозлар бой бўлса, банк бой бўлади. Бизда иш шу асосда ташкил қилинган. Мижозлар учун белгиланган вақт йўқ. Исталган вақтда уларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Шу боис қисқа муддатда кўпчилик бизда ҳисоб-рақамини очди. Ҳозир банклар ўртасида рақобат кучайган бир пайтда ҳар бир молия муассасаси изланиши, мижозлар учун қулайликлар яратиши, хизмат турларини кўпайтириб, уларнинг маданиятини ошириб бориши лозим.

Банкдаги барча операциялар компьютерлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Тўловлар электрон почта орқали жўнатилиб, республиканинг исталган жойига узоғи билан икки кунда етиб бораяпти. Жамоа аъзоларининг хушмуомала, маданиятли бўлишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мижозлар учун бу ерда барча қулайликлар мавжуд.

Банк жамоаси вилоятда нақд пул тушумини кўпайтиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Белгиланган касса режасини мунтазам равишда бажаришга ҳаракат қилаяпти. Масалан, жорий йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 9,5 миллион сўм қилиб белгиланган эди. Бу топшириқ 15 миллион 602 минг сўм қилиб ортиғи билан уддаланди. Шу билан бирга банкда мижозларга нақд пул бериш масаласида муаммо йўқ. Ҳисоб-рақамида маблағи бўлган юридик ёки жисмоний шахс исталган вақтда нақд пул олиши мумкин.

Қимматбаҳо қоғозлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозиргача 524 минг сўмлик «Замин» банкининг оддий ва имтиёзли акциялари сотилди. Бунинг табиийки, банк иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳам катта фойдаси бор. Шу билан бирга мижозлар ва аҳолининг ишлатилмай турган маблағларидан унумли фойдаланиляпти. Улар депозитга олиниб, кредит манбаи яратилмоқда.

Банк ўзининг устав сармоясини ошириш учун ҳам муайян тадбирларни амалга оширмоқда. Вилоятда узоқ муддат эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилган ердан тушадиган маблағдан ҳам унумли фойдаланиляпти. Масалан, 100 уй-жой учун ер сотилиши режалаштирилган эди. Бу кўрсаткич 322 тага бажарилди. Уни сотишдан тушган маблағнинг маълум қисми банкка келиб тушди.

Хизмат кўрсатиш маданиятининг ошиб бораётганлиги, ҳукумат қарорлари ўз вақтида ижро этилаётганлиги, иқтисодий ислоҳотлар изчил жорий этилганлиги боис банк жорий йилнинг ярмини яхши кўрсаткичлар билан якунлади.

— Жорий йилнинг иккинчи ярмида ҳам бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган, — дейди банк бшқарувчиси Саъдулла Шодиев. — Акциялар сотишни яхшироқ йўлга қўйиш, бўш турган маблағларни депозитга кўпроқ жалб қилиш, ишни намунали йўлга қўйиш ҳисобига даромадни кўпайтириш шулар жумласига киради. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш миқёсини янада ошириш, ипотека қарзи беришни кўпайтириш мақсадида Хатирчи ва Қизилтепа туманларида банк филиалларини очиш кўзда тутиляпти.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши муҳокама қилинди. Йиғилишда Президентимиз нутқ сўзлаб, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва молия муассасалари олдига ҳам масъулиятли вазифаларни қўйди. Амалга оширилган ишлар билан бирга олдимизда турган кечиктириб бўлмайдиган, қилиниши лозим бўлган ишларга тўхталди. Аниқса, дебитор-кредитор қарзларини бартараф этиш соҳасида танқидий фикрлар билдирилди. Шу боис ҳам амалга ошириладиган ишларимиз кўп. Президентимизнинг нуқталаридан келиб чиқадиган хулосалар табиийки, ишимизда дастуриламал вазифасини ўтайди.

Ҳуллас, «Замин» банкининг Навоий вилояти бўлимида диққатга сазовор ишлар амалга оширилаяпти. Қисқа муддат ичида жамоа вилоятдаги молия муассасалари ўртасида ўз ўрнини топди. Буни кўрсатилаётган хизмат турлари уларнинг такомиллашиб бораётганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Шу боис банкнинг иқтисодиёти мустаҳкамланиб, мижозларга яратилаётган шарт-шароит яхшиланиб бормоқда.

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

